

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

“ALFA INVEST SUG‘URTA  
KOMPANIYASI”

Ўзбекистон Республикаси Молия  
Вазирлиги



Қўзғатув Кенгаши раиси  
Ш.Р. Абдурахимова



Вазир ўринбосари  
О.Р.Исаков

2022 йил « 3 » февралдаги

2022 йил « 16 » феврал

№ 03-22

№ PO944

АКЦИЯЛАРНИНГ БИРЛАМЧИ ЧИҚАРИЛИШИ  
ТЎҒРИСИДАГИ  
ҚАРОП

“ALFA INVEST SUG‘URTA KOMPANIYASI” AKSIYADORLIK JAMIYATI

Идентификация рақами берилди:	R	4	1	0	1	P	0	9	4	4	W	6
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

5 331 263 800 (Беш миллиард уч юз ўттиз бир миллион икки юз олтмиш уч минг саккиз юз) дона оддий эгаси ёзилган ҳужжатсиз акциялар  
Акцияларнинг номинал қиймати 10 (Ўн) сўм.  
Мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши бирламчи чиқарилишдир.

Жамият иштирокчиларининг навбаттан ташқари умумий йигилишининг 2022 йил « 3 » февралдаги 0322-сонли баённомаси билан акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.

Жамият иштирокчиларининг навбаттан ташқари умумий йигилишининг 2022 йил « 3 » февралдаги 0322-сонли баённомаси билан акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100128, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 10 уй, тел.: +998 78 120 00 70, электрон почта манзили: [alfainvest@alfainvest.uz](mailto:alfainvest@alfainvest.uz)

Бош директор: \_\_\_\_\_ И.Ю.Ахметова

Бош бухгалтер: \_\_\_\_\_

2022 йил « 3 » феврал



**1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):** оддий.

**2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:** ҳужжатсиз.

**3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм):** 10 (Ўн) сўм.

**4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона):** 5 331 263 800 (беш миллиард уч юз ўттиз бир миллион икки юз олти миш уч минг саккиз юз) дона.

**5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):** 53 312 638 000 (эллик уч миллиард уч юз ўн икки миллион олти юз ўттиз саккиз минг) сўм.

**6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:**

Жамият акциядори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш бундан қонунчиликка асосан жамият сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

Акциядор қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан «ALFA INVEST» суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли “ALFA INVEST sug'urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati га ўзгартирилаётганлиги муносабати билан “ALFA INVEST” суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамиятининг иштирокчилари улушига мутаносиб равишда жойлаштирилади.

**8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):** 53 312 638 000 (эллик уч миллиард уч юз ўн икки миллион олти юз ўттиз саккиз минг) сўм.

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** Акцияларнинг ушбу чиқарилиши бирламчи чиқарилишдир.

**10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** Жамият томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.

## 11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

**11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):** Ушбу чиқарилишдаги акциялар «ALFA INVEST» суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati га ўзгартирилаётганлиги муносабати билан “ALFA INVEST” суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамиятининг иштирокчилари улушига мутаносиб равишда, яъни мазкур 5 331 263 800 (беш миллиард уч юз ўттиз бир миллион икки юз олти миш уч минг саккиз юз) дона акциялар “ALFA INVEST” суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамияти иштирокчилари улушига мутаносиб равишда ёпиқ обуна усулида куйидаги шахслар ўртасида жойлаштирилади:

- 1 «Expert Construction» МЧЖ (СТИР 300650821– 947 050 000 (Тўққиз юз қирик етти миллион эллик минг)) дона акция;
- 2 «Project Finance Leasing» МЧЖ (СТИР 206925025 - 450 200 000 (тўрт юз эллик миллион икки юз минг)) дона акция;
- 3 «Qog‘oz savdo» МЧЖ (СТИР 205278412 – 142 100 000 (Бир юз қирқ икки миллион бир юз минг)) дона акция;
- 4 «Zamon Plus Sarmoya» МЧЖ (СТИР 206614412 – 76 800 000 (етмиш олти миллион саккиз юз минг)) дона акция;
- 5 «Alfa Mikrocredit Tashkilot» МЧЖ (СТИР 206952475 – 213 800 (икки юз ўн уч минг саккиз юз)) дона акция;
- 6 Maxkamov Akmal Hamdamovich (АА №4881517) -1 635 000 000 (Бир миллиард олти юз ўттиз беш миллион)) дона акция;
- 7 Hasanov A‘zam Ibraximovich (АА №6418581) - 1 275 700 000 (Бир миллиард икки юз етмиш беш миллион етти юз минг)) дона акция;
- 8 Nurmuxamedov Zakir Gayratovich (АА №0610916) – 471 900 000,00 (Тўрт юз етмиш бир миллион тўққиз юз минг)) дона акция;
- 9 Abduraximova Shoiraxmanbekovna (АА №3734019) – 173 200 000,00 (Бир юз етмиш уч миллион икки юз минг)) дона акция;
- 10 Abduraximov Umid Saidakbarovich (АА №2307989) – 63 900 000,00 (Олтмиш уч миллион тўққиз юз минг)) дона акция;
- 11 Zufarova Feruza Saidakbarovna (АА №3906568) – 29 000 000,00 (Йигирма тўққиз миллион)) дона акция;
- 12 Gaipova Salima Djaladdinovna (АА №0016714) – 28 500 000,00 (Йигирма саккиз миллион беш юз минг)) дона акция;
- 13 Mirsaidov Ravshan Akramovich (АА №3193414) - 21 500 000,00 (Йигирма бир миллион беш юз минг)) дона акция;
- 14 Nurmuxamedova Gulnara Rahmanbekovna (АА №3818455) – 13 900 000,00 (Ўн уч миллион тўққиз юз минг)) дона акция;
- 15 Abduraximov Saidislom Saidakbar o‘g‘li (АА №0021527) – 2 300 000,00 (Икки миллион уч юз минг)) дона акция.

**11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:** Мазкур чиқарилишдаги акциялар жойлаштириш бошланиш санасидан бошлаб 15 кун ичида жойлаштирилади.

*Жойлаштиришни бошланиш санаси:* мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун.

*Жойлаштиришни тугаш санаси:* ушбу чиқарилишнинг охириги акция жойлаштирилган куни ҳисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 15 кундан ошмаслиги лозим.

**11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар «ALFA INVEST» суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati га ўзгартирилаётганлиги муносабати билан “ALFA INVEST” суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамиятининг иштирокчилари улушларига мутаносиб равишда айирбошлаш йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштириш ҳеч қандай фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмаган ҳолда биржадан ташқари уюлмаган бозорда амалга оширилади. Бунда андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган.

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси Давлат корхонаси. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107. Тел.: 71 267-37-42.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш “OSIYO SARMOYA DEPO” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилади.

“Osiyo Sarmoya Depo” масъулияти чекланган жамияти. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 2. Тел.: 78-140-69-44.

**11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан «ALFA INVEST» суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati га ўзгартирилаётганлиги муносабати билан “ALFA INVEST” суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамиятининг иштирокчилари улушига мутаносиб равишда жойлаштирилиши сабабли имтиёзли ҳуқуқни қўллаш кўзда тутилмаган.

**11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:** Акциялар номинал қийматида жойлаштирилади.

**11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар «ALFA INVEST» суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati га ўзгартирилаётганлиги муносабати билан “ALFA INVEST” суғурта ташкилоти масъулияти чекланган жамиятининг барча активлари “ALFA INVEST sug‘urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati га топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида бериш орқали амалга оширилади.

**11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:** Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда тўлов сифатида қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида 10 кун ичида қайтарилади.

**12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча**

чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ([openinfo.uz](http://openinfo.uz)) ва жамият расмий веб-сайтида ([alfainvest.uz](http://alfainvest.uz)) эълон қилинади. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор асли билан Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 10 уй манзилда танишиш мумкин.

**13. Бошқа маълумотлар:** Кўзда тутилмаган.



Faint, illegible text visible through the paper from the reverse side.

ТИКИШ АН РАК АМДАНГАН

ИМЗО

2022 й

Бош директор

И.Ю. Ахметова



Бош бухгалтер

В.А.Ким

Blue ink signature of V.A. Kim.